

ИЛМИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА

“ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ”.



8-БОБ: ТИЛЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА ЎҚУВ ДАСТУРИ

8.1 Таъриф ва бирламчи ёндашув

Кўп тилли ва кўп маданиятли компетенция – тиллардан мулоқот воситаси сифатида фойдаланиш ҳамда маданиятлараро мулоқотда иштирок этиш қобилиятидир. Шу билан бирга, бир нечта тилларни ва бир неча маданиятларни билишнинг турли даражаси қайд этилади. Мазкур компетенция турли компетенцияларнинг бир-бирининг устига тушиши ёки бир-бирига яқинлашишини эмас, балки фойдаланувчи таянадиган компетенцияларнинг мураккаб тузилишини назарда тутди.

Умумқабул қилинган ёндашувга кўра, чет тилини ўрганиш жараёни она тилида мулоқот қилиш компетенциясини тўлдирувчи қўшимча компетенция сифатида қаралади. Кўп тилли ва кўп маданиятли компетенция тушунчаси қуйидагиларга интилади:

- умумқабул қилинган меъёрлаштирилган дихотомиядан четлашиб, бир нечта тилни билишнинг муҳимлигини таъкидлашга; бунда билингвизм мазкур компетенциянинг алоҳида ҳодисаси саналади;
- бир нечта тилни билладиган инсоннинг билимларини алоҳида компетенцияларнинг йиғиндиси сифатида эмас, балки бир нечта тилни қамраб олувчи кўп тилли ва кўп маданиятли компетенция сифатида қарашга;
- мазкур мураккаб кўп аспектли компетенциянинг кўп маданиятли характерга эга эканлигини таъкидлашга.

Шу билан бирга, тил ўрганишнинг турли услуб ва таркибий қисмларини бирлаштирадиган умумий кузатувларни ҳам амалга ошириш мумкин. Гап шундаки, мактабларда тил ўргатиш ёки умумий компетенцияларни ривожлантириш (айниқса, бошланғич мактаб даражасида) ёки тилга оид мулоқот компетенцияларини ўзлаштириш (жумладан, 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун) билан боғлиқ бўлган таълим мақсадларини ажратиб

кўрсатади. Катталар (талабалар ва мутахассислар) учун курслар эса ихтисослашган тилга оид фаолият ёки аниқ бир соҳада вазифаларни бажаришни назарда тутиб ўқитади. Бундай ихтисослашув (биринчи ҳолатда – компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш учун, иккинчи ҳолатда эса – аниқ бир соҳада фаолият олиб боришга тайёрлаш учун), бир томондан, базавий бошланғич таълимнинг турлича эканлигига, иккинчи томондан эса, махсус ва узлуксиз таълимга боғлиқ бўлади.

8.2 Ўқув дастурлари вариантлари

8.2.1 Ўқув дастурлари ва уларнинг хилма-хиллиги

“Умумевропа компетенциялари” асосида ўқув дастурларини таҳлил қилиш учта принципга кўра амалга оширилиши мумкин.

Биринчидан, ўқув дстури кўп тиллилики ва тиллар хилма-хиллигини ривожлантириш глобал мақсадларига мос келиши керак. Бунинг маъноси шуки, аниқ бир тилнинг ўқитилиши ва ўрганилиши таълим тизимида назарда тутилган бошқа тиллар билан уйғунликда олиб борилиши зарур.

Иккинчидан, тиллар хилма-хиллигига (жумладан, мактабларда) ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, яъни кераксиз такрорлардан қочиш, тестларни тежамли ўтказиш, илгари ўзлаштирилган кўникмалардан фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Учинчидан, ўқув дастурлари билан боғлиқ фикр ва тадбирлар алоҳида олинган битта тил учун махсус дастур, ёки бир неча тил учун яхлит дастур ишлаб чиқишни назарда тутмаслиги керак. Дастурларни ҳар бир тилнинг лингвистик таълимдаги ролини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим.

8.2.2 Хусусийдан трансверсалга

Бир тилда ўзлаштирилган кўникма ва билимлар, хатто қондош бўлмаган бошқа тилларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўқув дастурлари борасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур:

- ҳар қандай тилни ҳар доим қисман билиш мумкин. Тил, гап, гарчи у она тили бўлса ҳам, уни ҳеч қачон тўлиқ билиб бўлмайди, чунки оддий одам мулоқотда она тилида мавжуд сўз бойлигининг маълум қисминигина ишлатади, холос. Тилни тўлиқ билиб бўлмаслиги, шунингдек, нутқий фаолиятнинг барча турлари, яъни ёзма, оғзаки нутқ и идрок этишни бирдек эгаллаб бўлмаслиги билан ҳам изоҳланади;

- тилни билиш борасидаги ҳар қандай қисман билим ҳам аслидагидан кўра кўпроқ бўлади. Масалан, ўрганилаётган тиллардан бирида ўқувчига таниш мавзуга оид махсус матнларни тушуниш ҳажмини оширишга қаратилган, “чекланган” мақсадларга эришиш учун олинган билим ва

кўникмалардан кейинчалик бошқа мақсадларда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин;

- муайян тилни ўрганувчилар ўзлари билмаган ҳолда бошқа тиллар ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлишади. Ҳар сафар янги тилни ўрганишга киришилганда, ўша билимлар янада фаоллашади. Таълим жараёнида мазкур омилни ҳам эътиборга олиш зарур.

Бир томондан, юқорида баён этилган принцип ва кузатувлар ўқув дастурларини тайёрлаш ва уларнинг кетма-кетлигини белгилашда катта танлов эркинлигини беради. Бошқа томондан эса, улар ўқув дастурларини ишлаб чиқишга кетма-кет ва шаффоф ёндашишга, айниқса, мавжуд вариантларни таҳлил қилиш ва улардан бирини танлашга кўмаклашади.

8.3 Ўқув дастурларини тузиш

8.3.1 Ўқув дастури ва мақсадларнинг вариантлилиги

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, таклиф этилган моделнинг ҳар бир асосий тоифа ва кичик тоифалари, агар улар таълим беришнинг асосий мақсади сифатида танланадиган бўлса, муваффақиятли таълим беришни таъминловчи мазмуний ёндашувларни белгилаш ва воситаларни танлаш борасида турли имкониятларни назарда тутати. Масалан, гап кўникмалар ҳақида борадими ёки ижтимоий-лингвистик компонент тўғрисида, ёхуд стратегиялар ва тушуниш ҳақида, ҳар бир ҳолатда ўқув дастурининг вазиятга қараб ёки марказий ёхуд четдаги деб қабул қилинадиган, ҳамда турли ўқув дастурларида таълим беришнинг мақсади, воситаси ёки шарт-шароити сифатида қабул қилинадиган таркиблари тўғрисидаги масала кун тартибига чиқади. Мазкур компонентларнинг ҳар бири учун уларнинг ички тузилиши борасида савол тузиш ёки ҳатто батафсил кўриб чиқиш, ҳамда вақт ўтиши билан тизимни такомиллаштириш юзасидан мезонлар таклиф этиш мумкин.

Бошланғич мактабда тил ўргатишнинг замонавий жараёни таҳлили шуни кўрсатдики, миллий ва ҳудудий даражаларда таълим беришнинг бошланғич, демакки, “қисман” мақсадларини белгилаш масаласида турли-туманлик ва ҳатто қарама-қаршилиқлар мавжуд экан. Қуйидаги масалалар мунозарали бўлиб турибди:

- бошланғич даражада чет тили тизимининг асосларини ўргатиш керакми (лингвистик компонент)?
- тилни ҳис этиш (нисбатан умумий лингвистичик билимлар (savoir), кўникма ва билимларни (savoir-faire) ҳамда экзистенциал компетенцияни (savoir-etre) ривожлантириш керакми?

- она тили ва маданиятини объектив нуқтаи назардан қараб чиқиш керакми ёки фақат ўз тили ва маданияти сифатидами?
- ўзининг бошқа тилларни ҳам ўргана олиш қобилиятига ишониш керакми?
- қандай ўқишни ўрганиш керакми?
- эшитганини тушунишнинг оддий кўникмаларини шакллантириш керакми?
- тилни ўйинлардан фойдаланиб ўрганиш, шеър ва кўшиқлар ёрдамида англаб бориш керакми?

Табиийки, бир вақтнинг ўзида тилга оид фаолиятнинг бир неча турларини амалиётда қўллаш ҳамда кўплаб вазифаларни бир-бирига мослаштирган ҳолда аралаштириб ишлатиш мумкин. Аммо шуни қайд этиш керакки, ўқув дастурини ишлаб чиқишда вазифалар, билимларни баҳолаш мазмуни ва усуллари танлови таклиф этилаётган моделнинг ҳар бир ажратиб кўрсатилган тоифалари таҳлили билан узвий равишда боғлиқ бўлади.

Юқорида баён этилгандардан қуйидаги хулоса келиб чиқади:

- тил ўрганишнинг бутун даври давомида (жумладан, мактаб даврида ҳам) вазифаларни бажаришнинг муайян кетма-кетлиги ва тартибига амал қилиниши, улар алмашиб туриши ёки ўзгартирилиши мумкин;
- бир нечта тил бўйича ўқув дастурида уларнинг ҳар бирига нисбатан мақсад ва мазмун ҳам ўхшаш, ҳам фарқли бўлиши мумкин;
- аниқ ташкилий тузилмага эга бўлган бошқа ёндашувлар ҳам бўлиши мумкин; уларнинг ҳар бири “Умумевропа компетенциялари” доирасида асосланиши мумкин;
- ўқув дастурини ишлаб чиқиш жараёнида кўп тилли ва кўп маданиятли компетенцияларнинг ривожланиш йўналишлари ва бу жараёнда мактабнинг роли ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

8.3.2 Дифференцияланган ўқув дастурларига мисоллар

Дастурларнинг турли вариантларига илова сифатида у ёки бу мактаб таълими доирасида уларни тузишнинг иккита сценарийси кўриб чиқилади. Мазкур дастурлар иккита замонавий тилни (одатда, она тилига тенглаштириладиган ўқитилаётган тилдан ташқари; аммо она тилига тенглаштириш хато ҳисобланади, чунки ҳатто Европада ҳам ўрганилаётган тил, одатда, ўрганувчи учун она тили ҳисобланмайди) ўз ичига олади: биттаси ўрганиш бошланғич мактабда бошланадиган тил (биринчи чет тили, кейинги ўринларда ЧТ1), бошқаси – ўрта мактабнинг бошланғич синфларида ўрганиладиган тил (иккинчи чет тили – ЧТ2), ҳамда учинчи чет тили (ЧТ3)

ўрта мактабнинг юқори синфларида ўқувчининг хоҳишига қараб ўрганиладиган тил.

Қуйидаги имсолларда бошланғич мактаб ҳамда ўрта мактабнинг кичик ва юқори синфлари учун дастурлар ўртасидаги фарқ келтириб ўтилади. Аммо ушбу тасвирий дастурлар таклиф этилаётган тиллар сони кам бўлган ёки тил ўрганишнинг биринчи босқичи нисбатан кечроқ даврга тўғри келган ҳолатларда осонгина ўзгартирилиши ёхуд вазиятга мослаштирилиши мумкин. Таклиф этилаётган сценарийларни тўлиқ ёки қисман амалга ошириш мумкин. Қуйида таклиф этилган вариантлар учта чет тилини ўргатишнинг шакллари ўз ичига олган. Бундай ёндашув энг мақбул ҳисобланади. Шунини қайд этиш керакки, муайян вазиятларда бошқа сценарийлардан фойдаланиш, ҳудудий ўзига хосликларни инобатга олиш ҳам мумкин. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам дастурнинг узвийлиги ва яхлитлигига эътибор қаратиш зарур.

А. Биринчи сценарий

Бошланғич мактаб:

Биринчи чет тилини (ЧТ1) ўрганиш бошланғич мактабда “тилни ҳис этиш”ни ривожлантириш вазифасидан бошланади. Ҳар бир ўқувчининг умумий компетенциялари билан боғлиқ бўлган қисмли вазифаларга эътибор қаратилади. Мактаб томонидан тиллар ва маданиятлар хилма-хиллиги қабул қилиниб, этноцентризмдан воз кечилади, аммо шу билан бирга, ўз она тили ва маданияти ҳамжамиятига мансублик ҳисси сақлаб қолинади, бошқа тилнинг имо-ишораларига, товуш хусусиятларига, ритмига, физик ва эстетик жиҳатларига эътибор берилади, лекин ушбу компетенцияларни ривожлантиришга очиқчасига ва атайлаб урғу берилмайди.

Ўрта мактабнинг қуйи синфлари:

- ЧТ1ни ўрганиш давом эттирилади ва мулоқот компетенцияларини ривожлантиришга эътибор қаратилади.

- Иккинчи чет тилини (бошланғич мактабда ўрганилмаган ЧТ2) ўрганиш ҳам олдиндан тайёргарликўрмай туриб бошланмайди; бунда бошланғич мактабда ўзлаштирилган ЧТ1 соҳасидаги кўникмаларга урғу берилади, аммо мақсадлар бир қадар фарқ қилади, масалан, идрок этиш жараёни нутқни яратиш жараёнидан устуворлик касб этади.

Ўрта мактабнинг юқори синфлари:

Мазкур даражада қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарур:

- ўқув фани сифатида ЧТ1ни ўрганишнинг қисқариши ва ушбу тилдан бошқа фанларни ўқитишда доимий ёки навбатма-навбат фойдаланишнинг бошланиши;

- ЧТ2да идрок этиш қобилиятини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш, бунда матнларнинг ҳар хил турларига ва дискурслар ташкил этилишига урғу бериш, она тили ва ЧТ1ни ўрганиш жараёнида ўзлаштирилган кўникмалар билан изчилликни таъминлаш;

- кўшимча равишда учинчи тилни (ЧТ3) ўрганишни режалаштирган ўқувчиларнинг улар аллақачон эгаллаб бўлган фаолият турлари ва ўқув стратегияларини муҳокама этишга жалб қилиш.

Б. Иккинчи сценарий

Бошланғич мактаб:

Биринчи чет тилини (ЧТ1) ўрганиш бошланғич мактабда лингвистик мазмунга эътибор қаратган ва оғзаки мулоқот асосларига урғу берган ҳолда олиб борилади.

Ўрта мактабнинг қуйи синфлари:

ЧТ1, ЧТ2ни ва она тилини ўрганишда (иккинчи чет тилини ўрганиш бошланиши билан) ЧТ1 ва она тилини ўрганиш жараёнида ўқувчи танишган услуб ва усуллар қўлланилади; бунда ўқувчининг лингвистик сезгирлигини ривожлантириш асосий вазифа ҳисобланади.

- ЧТ1 бўйича умумий дастур ўрта мактаб якунигача амалга оширилади, аммо турлича вақт оралиқларида у ўтилганларни такрорлаш билан алмашиб келади ҳамда янги мазмун билан тўлдирилади.

- ЧТ2 ни ўрганишда оммавий ахборот воситалари (оммабоп газеталар, телевидение, радио) билан ишлаш орқали ижтимоий-маданий ва ижтимоий-лингвистик компонентларга алоҳида эътибор қаратилиши керак. ЧТ2 ни ўрганиш ўрта мактабни тугатгунга қадар давом этади, унинг асосий мазмунини маданий ва маданиятлараро хусусиятга эга мавзулар (ОАВ матнлари) ташкил қилади.

Ўрта мактабнинг юқори синфлари:

- ЧТ1 ва ЧТ2ни ўрганиш нисбатан мураккаброқ даражада давом эттирилади. Учинчи чет тилини (ЧТ3) ўрганишни истаган ўқувчилар ўзларининг касбий вазифалари ҳамда у ёки бу махсус соҳадан келиб чиқиб (масалан, тижорат, иқтисодиёт, техника тилига йўналганлик), танловни амалга оширадилар.

Шуни қайд этиш керакки, ҳам иккинчи, ҳам биринчи вариантларда ўқувчининг якуний кўп тилли ва кўп маданиятли ихтисослашуви шу қадар нотекис бўлиши мумкинки, натижада:

- битта тилни билиш даражаси ўқувчининг кўп тиллилигини таъминловчи бошқа тилларни билиш даражаси билан мос келмаслиги мумкин;
- турли тилларда маданий жиҳатни ўзлаштириш турлича бўлади;
- лингвистик компетенциянинг юқори даражада ривожланганлиги маданий компетенцияларни ҳам шу даражада ўзлаштирилганлигини англамайди;
- юқорида қайд этилганидек, “қисмли” компетенциялар эътиборга олинади.

Бундан ташқари, ўрганиш учун тилларни танлашдан қатъи назар, таълим ёндашувлари ва стратегияларига эътибор қатариш лозим. Дастур тилни ўрганишга онгли ёндашувни ривожлантиришни назарда тутиши керак. Бошқача айтганда, характеридан қатъи назар, таълим дастурининг асосий мақсадларидан бири – ўқувчиларни асосий тоифалар, “Компетенциялар”да ишлаб чиқилган модел асосида уларнинг ўзаро муносабати динамикаси билан таништиришдан иборатдир.

8. 4 Баҳолаш ҳамда мактабда, мактабдан ташқарида ва мактабдан кейин тилларни ўрганиш

Агар ўқув дастурини ўқувчи томонидан ҳам таълим муассасасида, ҳам ундан ташқарида таълимий фаолиятни амалга оширган ҳолда олдинга интилиш деб оладиган бўлсак, тил ўрганиш мактабни битириш билан якунига етмайди, балки бирор-бир шаклда бутун умр давом этади.

Шундай қилиб, мактаб ўқув дастури ўқувчида кўп тилли ва кўп маданиятли компетенцияларни ривожлантиришни мақсад қилиб олади, мактабни битиргандан кейин ушбу компетенциялар ўқувчининг индивидуал қобилиятлари ва танлаган касбидан келиб чиқиб турлича ривожланиш даражасига эга бўлади. Табиийки, ушбу компетенциялар ўзгармасдан қолмайди. Ҳаёт давомида тўпланадиган шахсий ва касбий тажриба, ҳаёт тарзи компетенцияларнинг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бу ўринда катталар учун таълим ва узлуксиз таълим муҳим ўрин тутади. Шу маънода учта жиҳатга эътибор қаратиш зарур.

8.4.1 Ўқув дастурининг ўрни

Биз таълим дастури мактаб билангина чегараланиб қолмаслиги ҳақидаги фикрларга қўшилган ҳолда, кўп тиллилиқ ва кўп маданиятлилиқ компетенцияси мактабгача бўлган даврда ўзлаштира бошланишини ва мактаб таълими билан параллел равишда ва уни битиргандан кейин ҳам ривожланиб боришини тан оламиз.

Гарчи барча фикрлар тўғри ва асосли бўлса-да, мактаб ҳар доим ҳам уларни эътиборга олавермаслиги бор гап. Шу боис, мактаб таълим дастурини ўз олдига қўйидаги мақсадларни қўйган нисбатан кенгроқ дастурнинг бир қисми сифатида тушуниш керак:

- кўп тилли ва кўп маданиятли компетенцияларнинг бошланғич дифференциациялашни;
- яхши билимлар, уларга ишониш, шунингдек, ҳам мактабда, ҳам ундан ташқарида ўқувчига олиши мумкин бўлган имконият ва ресурсларнинг ҳисобини олиб боришни.

8.4.2 Даражалар портфели ва ўрни

Билим ва кўникмаларни тан олиш ва баҳолаш уларнинг шаклланиши ва ривожланиши шароити ва тажрибасини инобатга олиши керак. Ўқувчи ўзининг тил ўрганиш борасидаги турли натижаларини қайд этиб бориши мумкин бўлган Европа тил портфели (ЕТП)нинг яратилиши бу борада муҳим қадам ҳисобланади. Портфелда нафақат расмий баҳолар, балки исталган ва ҳар қандай норасмий тажриба, жумладан бошқа тил ва маданиятлар билан муносабатлар ҳам қайд этиб борилади.

Аммо тил ўрганиш натижаси ўрта мактаб битирилгандан кейин баҳоланадиган мактаб ва мактабдан ташқари дастурлар ўртасидаги алоқани кучайтириш учун ҳозирги вақтда ўқувчининг кўп тилли ва кўп маданиятли компетенцияларининг расмий баҳосини ишлаб чиқиш, ўқувчи турли даражада эгаллаган мулоқот кўникмалари портфелини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Мактаб ва мактабдан ташқари дастурлар ўртасидаги изчиллик нуқтаи назаридан бундай ёндашув тил билишнинг умумий даражасини аниқлашдан кўра мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Компетенция қисмларининг “ҳужжатлаштирилган” тасдиғи бу йўналишдаги навбатдаги қадам бўлиши мумкин (масалан, фаолиятнинг тўртта тури – идрок этиш/яратиш/ёзув ва оғзаки нутқ алоҳида баҳоланади). Ўқувчининг бир нечта тил ва маданий анъаналарни ўзлаштириш имконияти эътиборга олиниши ва баҳоланиши ҳам муҳимдир. Матнни иккинчи чет тилидан биринчисига таржима қилиш, бир вақтнинг ўзида бир неча тилдаги мунозараларда иштирок этиш, маданий ҳодисани бошқа маданият анъанасида талқин этиш медиацияга мисоллар ҳисобланади, ҳамда улар кўп маданиятли ва кўп тилли материални ўзлаштириш қобилиятини рағбатлантириш ва баҳолаш учун қўлланилиши керак.

8.4.3 Кўп ўлчамли ва модулли ёндашувлар

Мазкур бобда ўқув дастурларида таъкидланган жиҳатларнинг ўзгаришига, жумладан, мураккабликнинг ортиб боришига ва баҳолаш ҳамда сертификатлашга эътибор қаратиш мақсад қилиб қўйилган. Дастурларда мазмун ва кетма-кетликдан келиб чиқиб, босқичларни аниқ белгилаб олиш жуда муҳимдир. Буни битта асосий компонент (масалан, лингвистик ёки тушунчали/функционал) доирасида, ёхуд тил ўрганишнинг барча жиҳатларини эътиборга олган ҳолда амалга ошириш мумкин. Кўп ўлчамли дастурнинг компонентларини ажратиб олиш (жумладан, “Компетенциялар” да баён этилган турли тоифаларни) ҳамда модулли ўрганиш ва сертификатлаш учун баҳолашнинг турли услубларидан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Мактаб ўқув дастури ва қисқача баён этилган вариантларга келадиган бўлсак, мактабда ўқитишнинг муайян даврида турли тилларга оид ихчам модулли дастурларни қўллаш мумкин. Бундай “транстилли” модуллар мактабдан ташқари муҳитдан фойдаланишнинг турли таълимий ёндашувлари ва манбаларини, усулларини ҳамда маданиятлараро мулоқотдаги хатоларни бартараф этиш имкониятини назарда тутди. Улар, бошқа фанлар бўйича дастурларни бузмаган ҳолда, ўқув дастурларига жуда катта изчиллик ва аниқлик, таълим мазмунига умумий боғлиқлик ва шаффофлик бағишлайди.

Бундан ташқари, малака имтиҳонларига модулли ёндашув юқорида баён этилган кўп тилли ва кўп маданиятли қобилиятларни ўзига хос тарзда баҳолаш имконини беради.

Шундай қилиб, кўп ўлчамлилик ва модуллик ўқув дастурлари ва аттестацияда лингвистик хилма-хилликни яратиш учун муҳим тушунчалар ҳисобланади. “Компетенциялар” шундай тузилганки, улар таклиф этилаётган тоифалар воситасида ўқув жараёнларининг кўп ўлчамлилик ва модуллик асосида ташкил этилишининг йўналишларини белгилаш имконини беради. Аммо келгусида лойиҳаларда иштирок этиш ва мактаб ҳамда бошқа ўқув муассасаларида тажрибаларни амалга ошириш зарур.

Қуйидаги саволларни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

• *Ўқувчи тилга ва маданиятга оид хилма-хилликка дуч келганми, ҳамда қандай вазиятда?*

• *Ўқувчи ҳатто энг оддий даражада бир неча тил ва/ёки маданий ҳамжамиятларда фаолият олиб бора оладими? Унинг компетенцияси нутқий мулоқотнинг турли вазиятларига қанчалик мос келади?*

• *Тил ўрганиш жараёнида ўқувчи тил ва маданиятга оид хилма-хилликка дуч келган бўлиши мумкинми (масалан, ўқув муассасаси ёки ундан ташқарида тил ўрганиш билан параллел равишда)?*

• *Бундай тажриба тил ўрганиш жараёнига қандай қилиб сингдирилиши мумкин?*

• *Ўқувчининг кўп маданиятли ва кўп тилли компетенциялари ривожланаётган аниқ бир вақтда, унинг қизиқиши, интилиши, режа ва ниятларини, шунингдек, олдин ўзлаштирган ва тасарруфида бўлган ресурсларни ҳисобга олган ҳолда, унга қандай турдаги вазибалар кўпроқ мос келади (1.2 га қаранг)?*

• *Ўқувчи кўп тиллилик ва кўп маданиятлилиқ компетенцияларининг турли жиҳатларини эркин эгаллаши, жумладан, билим ва кўникмаларни кўчириши учун нима қилиш керак?*

• *Қандай компетенциялар (уларнинг шаклланиш турлари ва мақсадлари) ўқувчи эгаллаган билимларни бойитиши, хилма-хил қилиши мумкин;*

• *таълим бериш жараёнини ўрганилаётган тил ва маданиятнинг ўзига хосликлари билан қандай қилиб энг яхши ва мантиқий тарзда уйғунлаштириб юбориш мумкин, токи тузилган ўқув дастури турли тилларда ва турли маданиятларда мулоқот қилиш кўникмасини ривожлантирсин?*

• *Ўқувчи кўп тилли ва кўп маданиятли компетенцияларни ўзлаштириши жараёнини муваффақиятли бошқариш учун таълим беришнинг қандай шакллари энг мақбул ҳисобланади ва зарурат тузилганда тизимнинг қайси тоифаларидан фойдаланиш мумкин?*

• *Ўқувчиларнинг мазкур гуруҳи учун таълим жараёнини ташкил этишнинг қандай шакллари (масалан, модулли ёндашув) энг мақбул ҳисобланади?*

• *Қисмли компетенциялар ҳамда ўқувчининг турли кўп тилли ва кўп маданиятли компетенцияларини баҳолашда энг мақбул ҳисобланади.*

Наргис Қосимова таржимаси.